

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

Жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман суди, 2024 йил февраль ойининг 23 куни ўз биносида очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи З.Ярашев, судья ёрдамчиси Н.Пирановнинг котиблигида, томонлардан Янгиҳаёт туман прокурорининг катта ёрдамчиси Д.Пардаев, судланувчи Ў.Содиқов ва унинг ҳимоячиси-адвокат С.Жўраев, жабрланувчи Х.Илхомов ва унинг вакили-адвокат Х.Мадъяроваларнинг иштирокида,

1978 йил 05 май куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали тўрт нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, “INTER GROUP OPTIMUM” масъулияти чекланган жамияти директори вазифасида ишлайди, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Қуёш нури” тор кўчаси” 5-уйда рўйхатда туриб яшайди, иш бўйича 2023 йил 28 ноябрь кунидан “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхаси муддатида олган Содиқов Ўткир Обиджонович (*Sodiqov O'tkir Odiljonovich*)ни

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 257-моддаси 1-қисми билан айбланиш ҳақидаги 1-1012-2303/503-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, иш бўйича тўпланган ҳужжатларни атрофлича таҳлил қилиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи Ў.Содиқов 2023 йил 22 август куни соат 10<sup>30</sup> да, Тошкент шаҳар, Янгиҳаёт тумани, Чоштепа 13-берк кўчаси, 3/7-уйда жойлашган «INTER GROUP OPTIMUM» масъулияти чекланган жамиятининг директори лавозимида ишлаб келиб, жамиятда бевосита техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларига риоя этилиши учун масъул шахс бўлгани ҳолда, қўл остидаги ходимларнинг хавфсиз меҳнат қилиши учун етарли шароит яратмасдан, ишга қўйишдан аввал белгиланган тартибда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича кириш, иш жойида бажараётган ишларни хавфсиз олиб бориш усуллари бўйича йўл-йўриқлардан ўтказмаганлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқишини таъминламаганлиги ва унинг билимларини текширмасдан ишга қўйганлиги, шунингдек корхонада меҳнат муҳофазасига доир



тарбиявий аҳамиятга эга бўлган кўргазмали стенд, плакатлар билан жиҳозланмаганлиги ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминламаганлиги оқибатида 48-сон манзил колонияси билан тузган шартномасининг 4-бўлим, “Хўжалик ташкилотининг мажбуриятлари” нинг 4.4, 4.5, 4.6-бандларига, Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги 18,23,25-моддалари, Адлия Вазирлигидан 1996 йил 14 августда давлат рўйхатидан ўтган 272-сонли “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва билимларини текшириш тўғрисида” ги намунавий низомнинг 8, 9, 14-бандлари талабларига риоя этмаганлиги оқибатида Илхомов Хожиакбар Ахмаджон ўғли қолган ишчилар билан ер тагидан ўтган электр кабелларини қазिश давомида уларни топа олмаганлиги сабабли, корхонага қарашли маъмурий ҳудудда жойлашган трансформатор (ТП)дан кабелларни қаердан ўтганлигини кўриш мақсадида ёнига яқинлашган вақтида электр токи уруши натижасида оғир тан-жароҳати олган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2023 йил 20 ноябрдаги 1264-х-Усмон-сонли хулосасига кўра, Х.Илхомовда қуйидаги тан жароҳатлари аниқланган-электр травма, электр токидан ва вольт ёнидан боши танаси ўнг қўли ва чап оёқ товонини электр термик куйиши 11-111АБ-1У, даражали S-25% (1%) т.ю. куйиши, бош мия чайқалиши, бошнинг тепа пешона чап қовоқ соҳаси эзилиб йиртилган яраси каби оғирлик даражаси кўра оғир тан жароҳатлар тоифасига кириши аниқланган.

Судланувчи Ў.Содиқов судда айбига қисман иқрорлигини билдириб, “INTER GROUP OPTIMUM” масъулияти чекланган жамиятида директор вазифасида ишлаб келаётгани, мазкур жамият кафель маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланишини, жамият ва 48-сонли манзил колонияси билан тузилган шартнома асосида жазони ўтаётган бир неча маҳкумлар унинг корхонасида ишлаб келаётгани, мазкур жамиятда меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассисни ўриндошлик асосида жалб қилиб ўқитиш ишларини амалга оширганликларини, бундан ташқари директор ўринбосари Д.Холмухамедовда ҳам кафель ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ишчи ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича билимларни текшириш ва ўқитиш мақсадида жалб қилинганлигини, жазони ўтаётган маҳкумларга бир ҳафтада бир маротаба ўқитиш ишларини амалга оширганлигини тасдиқловчи фото-суратларни судга тақдим қилганлигини, 2023 йил 22 август куни иш жойи “INTER GROUP OPTIMUM” масъулияти чекланган жамияти ҳудудида соат 08<sup>00</sup> да иш фаолиятини бошлагани, жамият ҳудудида бир неча турда иш яъни кабель ўтган жойларни қазिश ва девордан ўтиш учун жой қилдириш лозим бўлганлигини, кабелни қазिश ишларига Х.Илхомов ва шерикларига топширилгани, ишни бошлашдан олдин ҳодиса



жойидаги ҳолатни бир неча маротаба расмга ва видеоёзувга олганлигини, махсус автомашина уни узиб юбормаслиги учун йўлни мўлжалини олаётган вақтида, ерни ковлаб кабель кириш жойидаги трансформаторга қаердан келганлигини аниқлаш чоралари кўрилгани, ўзи икки хилдаги иш олиб борилаётгани сабабли кабелни қазииш ишларини олиб бораётган Х.Илхомов ва бошқа ишчиларга Э.Абдукаримов исмли ишчиси қараб турган бўлганлигини, кабелни топиб бўлганидан кейин ишчилар сояда дам олиб ўтиришганида кейинчалик унутиб қўймаслиги ҳамда келгусида фойдаланиш учун ўзига қолиши мақсадида иш жараёнини ҳамда кабель ўтган йўлакларни видео тасвирга олиб қўйганлигини, шундан сўнг девор бузиш ишларини билан банд бўлиб, у келган махсус автомашина билан фаолиятни давом эттирмоқчи бўлиб турганида бирданига баланд гумбурлаган овоз эшитилгани, улар биргаликда овоз томонга югуриб чиққанида, трансформатор эшиги очиқ ҳолатда бўлиб, Х.Илхомовни электр токи урганлигини, у трансформаторни олдида эканлигини кўргани, мазкур трансформатор эшиклари доимий равишда қулф ҳолатда бўлганлигини ҳамда уни очиш учун махсус учбурчак калит талаб қилиниб, мазкур калит масъул ходим хонасида сақланганлигини, ушбу ҳолат бўлишидан тахминан 15-20 дақиқа олдин видео тасвир олган вақтида эшиклар ёпиқ ҳолатда турганлиги, агарда уни қулфи очилган бўлганда унда эшиклари очилиб кетган бўлишини, тасвирда у ёпиқ ҳолатда эканлиги кўринганлигини, шундан кейин улар трансформатор олдида борганида уни эшиклари очиқ эканлигини, трансформатор ички қисмида мавжуд тахминан 0,5 метр чуқурликка ишчи Х.Илхомов тушганлигини кўргани, улар ишчилар билан уни чиқариб олишгани, "103" хизматини чақириб, лекин вақт кетмаслиги учун корхона автомашинасида уни РШТЎИМга етказиб олиб боришларини ходимларга айтганлигини, ўзи қолган ишларни давом эттириб уни ҳолидан уяли алоқа воситаси орқали хабар олиб турганлигини, мазкур ишчи жазони ижро этиш муассасасида жазо ўтаётганлиги сабабли, у билан РШТЎИМга масъул ходимлар ўзлари боришганлигини, кейинчалик билишича Х.Илхомов ишчилар сояда дам олаётган вақтида кабелни трансформатордан чиққан жойини аниқлаш мақсадида трансформаторни ичига қарамоқчи бўлиб, уни очишга ҳаракат қилгани, даставвал калитни сўраганида Э.Абдукаримов калит йўқлигини айтгач, сўнгра бошқа маҳкум унга ёрдамлашиб, калит ясагани ҳолда трансформаторни очиб, уни ичига қараганида, уни электр токи урганлигини билганлигини, уни трансформаторни ўзбошимчалик билан очишга ҳеч ким мажбур қилмаганлигини, мазкур шахс йўриқномаларда қатнашганлигини, лекин нима сабабдан китобларга имзо қўймаганлигидан хабари бўлмаганлигини, Х.Илхомовнинг трансформатор ёнидан ўтиб кетаётганида электр токи урганлиги хусусидаги кўрсатувларини мутлақо тасдиқламадлигини, Х.Илхомовнинг даволанишига моддий ёрдамлашгани, етказилган



зарарни ўрнини қоплаш мақсадида судлар департаментининг Тошкент шаҳар бошқармасининг депозит ҳисоб рақамига 20.000.000 сўм миқдоридида пул тўлов қилгани ҳамда 6.600.000 сўмлик гаров пулларини ҳамда етказилган зарарга қаратишни, у ўзи билан боғлиқ барча меҳнат муҳофазаси билан ҳаракатларни амалга оширганлиги ҳамда жабрланувчи Х.Илхомовнинг ўзбошимчалиги сабабли бахтсиз ҳодиса юзага келгани сабабли унинг ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд эмаслиги сабабли оқлашни сўраб кўрсатув берди.

Гарчанд судланувчи Ў.Содиқов айбига қисман иқрорлиги тўғрисида кўрсатув беришса-да, уларнинг айби, қуйидаги далиллар билан ҳам исботланган.

Жабрланувчи Х.Илхомов судда, 2023 йил 22 август куни соат 07<sup>00</sup> ларда “INTER GROUP OPTIMUM” масъулияти чекланган жамияти ҳудудида иш фаолиятини ташкил қилаётгани, соат 08<sup>00</sup> да колония ходими томонидан йиғилиш ўтказилиб, иш бошлаганликларини, бўёқчилик билан шуғулланишни бошлаган вақтида, Э.Абдукаримов у ва шерикларига ишларни тўхтатиб ер тагидаги кабелларни қазииш кераклигини маълум қилгани, у билан биргаликда Акмал, Жалолиддин ва Улуғбеклар билан биргаликда кўрсатилган жойларда ерни қазииш ишларни амалга оширганликларини, ушбу вақтда Акмал, Жамолиддин ва Улуғбеклар дам олишга уйнинг соясига кетгани, ўзи шит (ТП) ни ёнидан тахминан 0,5 метрлар чамаси узоқликда ўтаётган вақтида электр токи урганлигини, сўнгра бўлган ҳодисани эслай олмаслигини, судланувчи Ў.Содиқов, гувоҳ Э.Абдукаримов ҳамда бошқа гувоҳлар айтганидек, у трансформатор (ТП)га кабелларни қаердан ўтганини аниқлаш мақсадида қарамаганлигини, ёки калит ясагани ҳолда трансформаторни очмаганлигини, ИИО ФМБ профилактика инспекторига берган кўрсатувларини тасдиқламаслигини, чунки профилактика инспектори М.Абдуллаев унга Ў.Содиқов доридармонларига тўлиқ қарашишини айтгани ҳамда руҳий аҳволи яхши бўлмагани учун ушбу трансформаторга кабелни жойини аниқлаш учун кирганлиги хусусида кўрсатув берганлигини, Ў.Содиқов ҳодиса жойида бўлгани ҳамда уларга меҳнат муҳофазаси бўйича тушунтириш ишларини олиб боргани хусусида ёлғон кўрсатув бераётганлигини, меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ тушунтиришлар олиб борилмаганлигини, Ў.Содиқов унга даставвал доридармонларига ёрдамлашган бўлса-да, кейинчалик унга доридармонларида қарашмаганлигини, даволаниши учун 51.000.000 сўмдан ортиқроқ харажат қилганлигини, яна даволаниши учун ҳам шунча миқдордан ортиқроқ харажат лозимлигини, даволанишига кетган харажатларни унга ундириб беришни ва судланувчи Ў.Содиқовга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ Э.Абдукаримов судда, у “INTER GROUP OPTIMUM” МЧЖга қоровул лавозимида ишлашини билдириб, 2023 йил 22 август жамият



раҳбари Ў.Содиқовнинг кўрсатмасига кўра, корхонанинг бошқа қисмида бўёқчилик билан шуғулланаётган ишчи ходимларни ишларини тўхтатиб ер тагидаги кабелларни қозиш фаолиятини ташкил қилиши кераклиги тўғрисидаги топшириғига асосан, шу ердаги Акмал, Хожиакбар, Жалолиддин ва Улуғбек исмли шахслар билан бирга белгиланган жойда ерни қозиш фаолиятини ташкил қилиш учун жалб қилганлиги, унга кўра, уларга кўрсатилган ерни қозиб бўлишларига қарамай, ушбу жойда электр токи ўтган кабеллар тўлиқ чиқмаганлиги сабабли корхона раҳбари Ў.Содиқовнинг кўрсатмасига асосан бошқа жойни кўрсатиб, у ерни ҳам қозишни айтишганлигини, мазкур жойларда ҳам электр кабеллари ўтганлиги аниқланмаганлигини, шу вақтда Х.Илхомов ундан шу ерда бўлган электр шит (ТП) калити кимдалигини сўрагани, ўзи унга калит унда эмаслигини билдирганидан сўнг, у шит ёнига бориб эшигини очишга уриниб шит ичига энгашиб қарагани, шундан сўнг, Х.Илхомов электр шит ичидан чиқмоқчи бўлиб турганлигини кўргани, маҳкумлардан яна бири унга ёрдамлашиб, ясама калит ясаб шит (ТП) ни очиб, кабелларни қаердан ўтганини текшираётган вақтларида бирданига бош соҳасидан электр токига тегиб кетганлиги натижасида уни шу ерда ток урганлигини ва баланд овозда портлаш овози эшитилгани, улар бирданига ёрдам бериш мақсадида уни у ердан олиб чиқиб шок ҳолатига тушиб қолганлигини, Х.Илхомов ҳаракатда эканлигини, ҳушида ҳолатида лекин нима бўлганлигини англамай турганлигини кўрганлигини, ушбу жараёнда Х.Илхомовга шит (ТП)ни очишга ёрдамлашган маҳкумни шу ердаги фуқароларга айтган бўлса-да, ушбу маҳкум тан олмаганлигини, Х.Илхомовга ёрдам кўрсатиш мақсадида корхонанинг “Дамас” русумли автоуловида РШТЁИМга олиб кетилганлиги тўғрисида кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Хидоятлов судда, гувоҳ Э.Абдукаримов кўрсатувларига ўхшаш аналогик кўрсатув берди.

Гувоҳ М.Абдуллаев судда, Янгихаёт тумани ИИО ФМБ “Чоштепа” маҳалла фуқаролар йиғини профилактика инспектори лавозимида ишлашини билдириб, 2023 йил 22 август куни мазкур ҳудудда жойлашган “INTER GROUP OPTIMUM” масъулияти чекланган жамиятида бахтсиз ҳодиса юз берганлиги тўғрисида чақирувга кўра, ҳодиса жойига бориб ўрганганлигини, ушбу жараёнда оғзаки суриштирувга кўра, Х.Илхомов трансформатор (ТП) кўриб, ундан кабелларни қаердан ўтганлигини кўриш мақсадида шит ичига кирган вақтида электр токи урганлиги натижасида тез-тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида касалхонага олиб кетилганлиги сабабли, ҳолат бўйича тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб тиббий муассасага бориб жабрланувчи Х.Илхомов билан суҳбатлашиб ўз сўзидан тушунтириш олинганида у ҳеч кимдан давоси йўқлигини, кабелларни қаердан ўтганлигини кўриш мақсадида трансформатор шит ичига ўз ихтиёри билан кирганлигини ҳамда жабрланувчи суд тиббий



экспертизадан ўтишдан бош тортганлиги сабабли, экспертиза ўтказилмаганлиги, Х.Илхомовнинг унинг тавсияси асосида шит (ТП)нинг ичига қараган вақтида ток ургани хусусида нотўғри кўрсатув бераётганлигини, ушбу кўрсатувларини Х.Илхомовнинг ўзи ихтиёрий берган эканлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Ж.Норметов судда, ўриндошлик асосида масъулияти чекланган жамиятида муҳандис вазифасида ишлаб келишини, ҳар ҳафтада бир маротаба бориб, ишчи ва ходимларга даврий меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларни, шунингдек, йўналишларни кўрсатиб келишини, охириги маротаба 2023 йил 15 август куни жамиятга бориб, ишчи ва ходимлар билан учрашиб даврий ўқитиш ишларини олиб борган эканлигини, 2023 йил 22 август куни бевосита ҳодисанинг шоҳиди бўлмаганлигини, ҳодисадан сўнг жамиятда бориб, ҳодисани суриштирганида Х.Илхомовнинг ўзи трансформаторни очиб, ичидаги кабелларни қайси йўналишда эканлигини аниқлаётганида электр токи урганлигини аниқлаганлигини, ушбу куни ҳам ишчи ва ходимлар билан учрашув ташкил қилиб, яна такроран навбатдан ташқари ўқитиш ишларини олиб борганлигини, 2023 йил 22 август куни кабелларни қидириш ишлари юзасидан шахсан ўзи махсус техник хавфсизлик бўйича тушунтириш ишларини ўтказмаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ З.Ризабоев судда, 2023 йил 22 август куни маҳкум Х.Илхомов билан биргаликда электр кабелларни ковлаб топишга жалб қилингани, Х.Илхомов электр токи ўтган кабеллар чиқмаганлиги сабабли, мазкур жойда электр кабеллари ўтган йўналишни аниқлаш мақсадида шит (ТП) ичига кирганлигини, ушбу вақтда электр токига тегиб кетгани натижасида уни шу ерда ток ургани ва баланд овозда портлаш овози эшитилганлигини, унга шит эшиги калитини ҳеч ким жумладан, шахсан ўзи ҳам ясаб бермаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Баратов судда, у 48-сонли манзил колониясида сафдор кичик инспектор вазифасида ишлаб келаётганлигини, 2023 йил 22 август куни ҳодиса содир бўлганлигини бевосита гувоҳи бўлмаганлигини, ушбу вақтда навбатчи инспектордан вазифаларни қабул қилаётган бўлганлигини, унинг вазифалари колония билан жамият ўртасида тузилган хўжалик шартномасига кўра, жамиятдаги ишчи маҳкумларни назоратини олиб боришга масъуллигини билдириб, жамиятдаги меҳнат тақсимотида ва меҳнат муҳофазасига аралашмаслигини, ушбу жараёнда маҳкумлар қочиб кетиши, уларнинг яқинлари билан учрашувлари ва бошқа ҳолатларни назорат олиб бориш киришини, маҳкумлар меҳнатга жалб этиш жамият раҳбари ёки ваколатли ходимлари томонидан тақсимланишини билдириб, бирор-бир маҳкум мажбурий меҳнатга жалб этилмаслигини таъкидлаб, ҳар бир маҳкум меҳнат қобилиятига кўра ишга жалб қилиниши тўғрисида кўрсатув берди.



Гувоҳ М.Усмонов судда, Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент шаҳар филиали Сергели пунктида эксперт вазифасида ишлаб келаётгани, Х.Илхомовга нисбатан ўтказилган судга оид тиббиёт экспертизасини унинг соғлиғи экспертиза ўтказиш пунктига келишига монелик қилгани сабабли сайёр тартибда, РШТЎИМ тиббий марказида ўтказганлигини, экспертиза хулосасига кўра. Х.Илхомовда электро травма, электр токидан ва вольт ёнидан боши танаси ўнг қўли ва чап оёқ товонини электро термик куйиши 11-111АБ-1У, даражали S-25% (1%) т.ю. куйиши, бош мия чайқалиши, бошнинг тепа пешона чап қовоқ соҳаси эзилиб йиртилган яраси каби жароҳатлар бўлиб, етказилган вақтда ҳаёт учун хавfli ҳисобланиши ва шу белгисига кўра оғирлик даражаси бўйича оғир тан-жароҳатлар туркумига киришлиги аниқланганлигини, Х.Илхомов кўздан кечириш жараёнида ўз сўзидан 2023 йил 22 август уни соат 10<sup>00</sup> ларда Янгиҳаёт тумани, Чоштепа 13-берк, 3/7-уйда жойлашган ишлаб чиқариш цехида иш вақтида электро шит (ТП) ни атрофини қазийётган вақтида ер остидаги кабелни топа олмай шит ичига кириб кабель чиқарилган жойини кўрмоқчи бўлганида электр токи уриб тан жароҳати олганлигини айтиб кўрсатув берган эканлигини, Х.Илхомовнинг тан жароҳатлари механизмига кўра, электр токи оёғидан урган бўлиб, бош қисмидан чиқиб кетганлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ С.Нормуродов судда, Тошкент шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси Давлат меҳнат техника назоратчиси вазифасида ишлаб келаётганлигини, ўтказилган текшириш далолатномасига кўра, Х.Илхомовда меҳнат муҳофазаси бўйича кириш йўл-йўриқдан ўтказилмаганлигини, иш жойидаги (жорий) даврий йўл-йўриқдан ўтказилмаганлиги, меҳнат муҳофазаси қонунлари бўйича ўқитиш ва билимлар савиясини текшириш ўқитиш ўқитилмаганлигини ва текширилмаганлигини, жамият директори Ў.Содиқов 48-сон манзил колонияси билан тузган шартномасининг 4-бўлим, “Хўжалик ташкилотининг мажбуриятлари” нинг 4.4, 4.5, 4.6-бандларига, Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги 18,23,25-моддалари, Адлия Вазирлигидан 1996 йил 14 августда давлат рўйхатидан ўтган 272-сонли “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва билимларини текшириш тўғрисида” ги намунавий низомнинг 8, 9, 14-бандлари талабларига риоя этмаганлиги кўрсатилганлигини, Х.Илхомов жалб қилинган ишда махсус меҳнат қоидалари юзасидан ҳам 2023 йил 22 августни ўқитиш ёки таништириш ишлари амалга оширилмаганлиги аниқланганлигини билдириб кўрсатув берди.

Бундан ташқари, судланувчи Ў.Содиқовнинг айби, ариза, билдирги, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган чизма, ариза, тушунтириш хатлари, махсус текширув далолатномаси, судга оид тиббиёт экспертизасининг хулосаси,



юзлаштириш баённомаси ҳамда ишида тўпланган бошқа асосли далиллар билан исботланган.

Суд, судланувчи Ў.Содиқовнинг жиноий ҳаракатини юридик талқинини муҳокама қилиб, унинг содир қилган жиноий ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 257-моддасининг 1-қисми билан яъни, “Техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларини шу қоидаларга риоя этилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилиши ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилишига сабаб бўлиши”да ифодаланган жиноят аломатлари билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Хусусан, 2023 йил 22 август куни 48-сонли манзил колонияси маҳкуми Х.Илхомов билан «INTER GROUP OPTIMUM» масъулияти чекланган жамияти ҳудудида иш вақтида юз берган оқибати оғир бахтсиз ҳодисани махсус текшириш далолатномасига Х.Илхомовда меҳнат муҳофазаси бўйича кириш йўл-йўриқдан ўтказилмаганлигини, иш жойидаги (жорий) даврий йўл-йўриқдан ўтказилмаганлиги, меҳнат муҳофазаси қонунлари бўйича ўқитиш ва билимлар савиясини текшириш ўқитиш ўқитилмаганлигини ва текширилмаганлигини, жамият директори Ў.Содиқов 48-сон манзил колонияси билан тузган шартномасининг 4-бўлим, “Хўжалик ташкилотининг мажбуриятлари” нинг 4.4, 4.5, 4.6-бандларига, Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги 18,23,25-моддалари, Адлия Вазирлигидан 1996 йил 14 августда давлат рўйхатидан ўтган 272-сонли “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва билимларини текшириш тўғрисида” ги намунавий низомнинг 8, 9, 14-бандлари талабларига риоя этмаганлиги кўрсатилган.

Суд, судланувчи Ў.Содиқовнинг Х.Илхомовнинг ўзи шит (ТП)ни ўзбошимчалик билан очиб, кабелларнинг йўналишини аниқлашга ҳаракат қилганлиги сабабли ҳодиса юз берганлиги боис, унинг ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд эмаслиги хусусидаги важдари юқоридаги далиллар мажмуи билан рад қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида таъкидланишича:- “судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилсин”; шу Қарорнинг 3-бандида:- “Жиноят Кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб тушунтириш берилган.



Суд юқоридаги Олий суд Пленумининг раҳбарий тушунтиришларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 55,56-моддалари талабларига риоя қилиб, судланувчи Ў.Содиқовга жазо тури ва меъёрини тайинлашда, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини, айбига қисман иқрорлигини ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлганлигини, ижтимоий аҳволи ва моддий шароити, жабрланувчига етказилган зарарнинг эллик фоизидан ортиқ қисмини қоплаганлигини, шунингдек, келгусида жабрланувчининг талаби асосида иш билан таъминлаб бериш бўйича судга мурожаат қилганлигини, қарамоғида тўрт нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жабрланувчининг даъвосини инобатга олиб, модда жазо санкцияси доирасида, иш ҳақининг бир қисмини давлат ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинлашни лозим деб топади.

Суд, иш бўйича жабрланувчи Х.Илхомовга етказилган моддий зарарларни масаласини муҳокама қилиб қуйидаги тўхтамга келди:

Жабрланувчи Х.Илхомов томонидан унга етказилган 51.178.000 сўм миқдорида зарар етказилгани хусусида чеклар тақдим қилиниб, ушбу миқдорда моддий зарар ундириш сўралган бўлса-да, 37.290.903,6 сўм қисми дори-дармонлар учун ишлатилган чеклар эканлиги, қолган қисми озиқ-овқат ва ноозиқ овқат маҳсулотлари учун сарфлангани ёхуд ҳодисадан илгариги харид қилинган дори-дармонлар ҳисобига тўғри келганлиги сабабли унинг мазкур даъвосини қисман қаноатлантирган ҳолда, унинг фойдасига 37.290.903,6 сўмлик моддий зарарни ундиришни ҳамда унга келгусида юзага келадиган моддий харажатлар ёки маънавий зарарларни ундириш борасида фуқаровий иш юритуви тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтириш лозим бўлади.

Шунингдек, судланувчи Ў.Содиқов томонидан судлар Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармасига етказилган зарар учун 20.000.000 сўм тўлагани ва тергов органининг депозит ҳисоб рақамига гаров эҳтиёт чорасини қўлланишида гаровга қўйган 6.600.000 сўм пулларни ҳам жабрланувчи Х.Илхомовга қайтаришни белгилашни сўраган талабидан келиб чиқиб, мазкур пулларни Х.Илхомовга қайтаришни белгилаш лозим.

Суд, бундан ташқари, суд муҳокамаси жараёнида судланувчи Ў.Содиқов, гувоҳ М.Абдуллаевдан олинган фото ва видеоёзувларни жиноят иши материалларига қўшиб сақлашни лозим топади.



Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 472-моддаларига асосан, суд ҳукм қилади

Ҳ У К М:

Содиқов Ўткир Обиджонович (*Sodiqov O'tkir Odiljonovich*) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 257-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Содиқов Ўткир Обиджонович (*Sodiqov O'tkir Odiljonovich*)га Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 257-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо унинг охириги иш жойи ҳисобланган "INTER GROUP OPTIMUM" масъулияти чекланган жамиятида ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати иш ҳақидан чегирма сақлаб қолинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Янгиҳаёт туман ИИО ФМБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач;

-судланувчи Ў.Содиқовга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилиниб, Тошкент шаҳар ИИБ ТБ молия иқтисод бўлимида гаровга қўйилган 6.600.000 сўм пуллар жабрланувчи Х.Илхомовга қайтарилсин;

-Судлар Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси депозит ҳисоб рақамига тўланган 20.000.000 сўм пуллар жабрланувчи Х.Илхомовга қайтарилсин

Судланувчи Ў.Содиқовдан жабрланувчи Х.Илхомов фойдасига етказилган зарарнинг қолган қисми яъни 10.690.903,6 сўм ундирилсин.

Жабрланувчи Х.Илхомовга келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган моддий ва маънавий зарарларни ундириш борасида фуқаровий иш юритуви тартибида судларга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Иш бўйича судга тақдим қилинган фото ва видеоёзувлар жиноят иши материалларига қўшиб сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган вақтдан бошлаб, ўн сутка муддат ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи  
Нусхаси аслига тўғри:

(имзо)

З.З.Ярашев

